

Ўринова Фотима Сувоновна

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

МАЖБУРИЙ СУҒУРТА: МУАММО ВА ЕЧИМ

Аннотация: Ҳозирги замон иқтисодиётида суғурта институти иқтисодий барқарорлик ва хавфсизликни, бизнесни ривожлантириш, кўплаб табиий, техноген рисклардан самарали ҳимояни таъминлаши, давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг муҳим иқтисодий ҳамда самарали механизмига айланиб бўлди. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шуни кўришимиз мумкинки, суғурта институтининг тўлиқ ривожланиши миллий иқтисодиётнинг ўсишига муҳим туртки бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли суғуртани амалга оширишда мажбурий суғурта турларини кенг жорий этиш бу борадаги дастлабки қадам ҳисобланади, шунингдек уларни жорий этишдаги муаммолар ечимини таклиф этиш унинг долзарблигини белгилайди.

Калит сўзлар: риск, суғурта, ижтимоий ҳимоя, мажбурий суғурта, суғурта назорати.

COMPULSORY INSURANCE: PROBLEM AND SOLUTION

Abstract: In today's economy, the insurance institution provides economic stability and security, business development, effective protection from many natural and man-made risks, and has become an important economic and effective mechanism for the implementation of the state's social policy. From the experience of developed countries, we can see that the full development of the insurance institution is an important impetus for the growth of the national economy. Therefore, the wide introduction of compulsory insurance types in the implementation of insurance is the first step in this regard, as well as proposing a solution to the problems in their introduction determines its relevance.

Key words: risk, insurance, social protection, compulsory insurance, insurance control.

КИРИШ

Суғурта замонавий Ўзбекистон молия тизимининг тез ривожланаётган соҳаларидан биридир. Нисбатан ёш бўлишига қарамай, молиявий

муносабатларнинг ушбу соҳаси йилдан-йилга қайт тақсимлаш муносабатлари тизимида муҳим тутмоқда. Иқтисодиётнинг ривожланмаганлиги, суғурта субъектлари ўртасида суғурта маданиятининг ривожланмаганлиги, ички қонунчилик базасидаги номувофиқлар, услубий таъминотнинг сустлиги – буларнинг барчаси мажбурий суғурта тизими орқали молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш механизмидан тўлиқ фойдаланишга имкон бермаяпти.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг ривожланиб бораётган ҳозирги шароитида мажбурий суғурта турларининг объектив зарурияти унинг муҳим ижтимоий функцияни бажариши, суғурта маданиятини ривожланишига қўшадиган ҳиссаси, суғурта компаниялари фаолияти учун барқарор молиявий базани яратиши, шунингдек бюджет маблағларини тежалишига қўшадиган ҳисса билан аниқланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда суғурта тизимининг ҳозирги ҳолатида мажбурий суғуртани ривожлантириш аҳолининг барча хавфли гуруҳлари ва хўжалик юритувчи субъектлар учун суғурта ҳимоясини ташкил этишга имкон беради, шунингдек фавқулудда вазиятлар ва табиий офатлар натижасида етказилган зарарларни қоплаш учун давлат бюджети харажатларини сезиларли даражада камайтиришга эришиш мумкин. Ушбу жихатдан ҳар қандай мамлакат учун мавжуд рискларни суғурта механизми билан қамраб олиниши муҳим иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ШАРҲИ

Суғурта муносабатлари жамиятнинг тарихий ривожланиши жараёнида вужудга келган ва ривожланиб борган, сабаби жамият доимо ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқариши учун етарли шарт-шароитларни таъминлаш учун эҳтиёт чораларини кўришга мажбур бўлган, шунингдек зарарни олдини олиш имконияти бўлмаса ҳам етказилган зарарни қоплашнинг турли усуллари ишлаб чиқаришга эҳтиёж сезган. Бундай иқтисодий муносабатлар суғуртанинг ривожланиши учун қўлай шарт шароитлар яратишга асос бўлган [1].

Мажбурий суғуртанинг моҳияти шундан иборатки, жамиятнинг бир вакили сифатида давлат жамият манфаатларига зарар етказилганда қабул қилинган қонунлар асосида жабрланувчиларнинг (суғурталанувчиларнинг) зарарларини қоплаб беришни мажбур қилиб қўйишида намоён бўлишидадир [2].

Суғуртанинг мажбурий шаклига эҳтиёж унинг катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини билан изоҳланади. Мажбурий суғуртанинг айрим турлари мамлакат аҳолисининг кўпчилигини қўшимча ижтимоий ҳимоя билан таъминлайди. Масалан, иш берувчиларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, бунинг мажбурийлиги меҳнат ресурсларининг

такрор ишлаб чиқариш барқарорлигини ошириш, меҳнатда етказилган зарарларни қоплашга қаратилган ижтимоий жараёнларни ривожлантириш ва тартибга солишнинг энг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади [3].

Мажбурий суғурта турларининг ривожланиши суғурта хизматлар бозорининг асосий ташкил этувчиси сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўшимча молиялаштириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган бўлиб, иқтисодиётда барқарорликни таъминлайдиган муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари мажбурий суғурта турларининг тўлиқ ва иқтисодий жиҳатдан мутаносиб ривожланиши хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида суғурта маданиятининг ўсишига, бу эса ихтиёрий суғурта турларини ривожланишига олиб келади [4].

Давлат муайян объектларнинг суғурта ҳимоясини нафақат алоҳида суғурталанувчилар, балки бутун жамият манфаатларига боғлиқ бўлган тақдирда суғуртанинг мажбурий шакллари белгилайди. Мажбурий суғурта тегишли қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади, унда суғурта қилинадиган объектлар рўйхати, суғурта жаваобгарлигининг миқдори, суғурта қопламасининг миқдори, жараёнда иштирок этувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суғурта тариф ставкалари кўзда тутилади [5].

Ҳар қандай давлат ўзининг бюджетидан ҳафларни олдини олишга сарфланадиган харажатларни камайтиришда мажбурий суғурта турларини жорий этади. Шунингдек, мажбурий суғурта турларини жорий этиш орқали фуқароларда суғурта “одатини” шаклланиб боради. Бу борада мажбурий суғурта турларининг ўрни бекиёсдир [6].

Мажбурий суғурта бугунги кунда молиявий ривожланаётган бозорларда суғурта бозорини ривожлантириш учун катализатор вазифасини бажариб келмоқда. Суғурта механизми мамлакатда иқтисодий барқарорликни қўллаб-қўватлашнинг муҳим тизимидир, сабаби у давлат харажатларини, шу жумладан табиий ва бошқа офатлар қурбонларига етказилган зарарларни қоплаш нуктаи назаридан давлат бюджетига тушадиган оғирликни пасайтиради [7].

Мажбурий суғурталашнинг асосий иқтисодий фойдаси бу табиий офатларининг кутилмаганда юз бериши бюджет маблағларини сарфламасдан мамлакат бўйлаб кўплаб объектлар ва шахсларга суғурта қопламасини таъминлашдан иборат [8].

Кўпчилик МДҲ мамлакатлари суғурта бозорида мажбурий суғурта мукофотлари умумий суғурта мукофотлари таркибида кам салмоқни эгаллайди. Фақат Белоруссия Республикасида мажбурий суғурта турлари суғурта бозорининг асосини ташкил этади. Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида бу иккала суғурта турлари нисбатан

мувозанатлашган. Ўзбекистон, Украина ва Азербайжон суғурта бозорларида мажбурий суғурта соҳаси кам ривожланган [9].

Мажбурий суғурта – бу суғурта муносабатларининг қонун асосида юзага келадиган суғурта шаклидир. Мажбурий суғуртани амалга оширувчи асосий ташаббускор бу давлат ҳисобланди, у қонун шаклида юридик ва жисмоний шахсларни жамият манфаатларини таъминлаш учун иқтисодий муносабатларга киришини таъминлайди. Мажбурий суғурта турлари, шартлари ва тартиби миллий қонунчилик нормалари билан белгиланади [10].

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда Ўзбекистон суғурта бозорида мажбурий суғуртанинг мавжудлиги суғурта хизматларининг мамлакатимиз иқтисодиётига кириб боришида энг муҳим омиллардан биридир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилган бўлиб, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишарида суғурта соҳасини ривожлантириш юзасидан қўйидагилар белгилаб берилган: янги турлардаги суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳисобига уларнинг ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш [10].

Мажбурий суғурта тизимини ҳозирги кунда юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта мукофотлари орқали суғурта фондларини шакллантиришни ва кейинчалик суғурта ҳодисалари натижасида етказилган зарарни қоплаш учун фойдаланишни назарда тутадиган кафолатлар ва инқирозга қарши чоралар билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими сифатида кўриб чиқилиши керак. Бунда суғурталашнинг роли ва аҳамияти қўйидаги асосий объектив сабабларга кўра ортиб боради:

- Ҳар йили ўз-ўзидан пайдо бўладиган ва техноген хусусиятга эга бўлган турли хил фавқулодда вазиятларнинг юз бериш частотаси ва улар оқибатларининг жиддийлиги ошиб бормоқда;

- илмий ва техник ютуқларнинг ўсиши туфайли рисклар сони ортиб бормоқда, улар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқариш ва миинималлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаган;

- иқтисодиётнинг бозор моделлари ва хўжалик муносабатларининг мураккаблиги молия бозорида янги тадбаркорлик рискларининг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда;

– йилдан-йилга аҳолининг ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ иқтисодий муаммолар ошиб бормоқда.

Ҳозирга кунда тез суръатлар билан ривожланиб келаётган Ўзбекистон учун мажбурий суғурта тизимига бўлган объектив эҳтиёж қўйидаги омиллар билан боғлиқдир:

– Фавқулодда ҳолатлар юзага келганда давлат ёрдамидан фойдаланиш имконияти жуда чекланган, сабаби ижтимоий дастурлар учун молиявий ресурслар миқдори чекланганлигидир;

– деярли барча ишлаб чиқариш тармоқларида эскирган технологиялар ва асосий воситалар ишлатилмоқда, бу эса ўз навбатида хавфсиз меҳнат жараёнини ва атроф-муҳитга зарар етказмаслик кафолатини бермайди.

Шу билан бирга миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа учун мажбурий суғурта тизимининг фойдалилиги жуда юқори.

Биринчидан, суғурта компанияларининг молиявий ресурслари маълум бир босқичда кучли инвестиция воситасига айланади.

Иккинчидан, суғурта бозорининг миллий иқтисодиётнинг тармоғи сифатида ривожланиши ва ўсиши билан суғурта компаниялари кўплаб янги иш ўринларни ташкил этувчиларга айланиб боради (суғурта хизматларини кўрсатиш кўлами ошиб боришда), бу эса шубҳасиз ижтимоий соҳани кўчайтиради ва ишсизликни камайтиради

Учинчидан, тадбиркорлик рискларини суғурталаш орқали корхоналарга етказилган зарарларни камайтиради, шу билан бирга мажбурий суғурта илмий-техник жараёнларни ривожланишини таъминлайди.

Тўртинчидан, суғурта компаниялари йирик солиқ тўловчилардир ва уларнинг муваффақиятли фаолияти турли даражадаги бюджетларнинг даромадлар базасини оширади, шу билан бирга, уларнинг харажатлар қисмига тушадиган оғирликни камайтиради, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилади, фавқулодда ҳолатларда зарарланган объектларни тиклашни молиялаштиради.

Бешинчидан, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳимояланганлиги оширишда (тиббий суғурта, пенсия суғуртаси) тўғри такшил этилган суғурта механизми ижобий ҳал қилинишини таъминлашнинг самарали воситасига айланиб боради.

Суғурта мукофотларининг ўсишига таъсир этувчи кўплаб иқтисодий кўрсаткичлар мавжуд, булар ўртача иш ҳақи даражаси, истеъмол савати, давлат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши ва бошвалар. Ривожланган Европа мамлакатлари тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатлар томонидан мажбурлов чораларисиз суғурта соҳасини ривожлантириш мумкин эмас.

Бундай чораларга соҳани ривожлантириш ва янада жонлантириш учун мабурий суғурта турларини жорий этиш ҳисобланади.

Ҳозирги босқичда мажбурий суғурта турларини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйдагилардан иборат бўлиши керак:

- Суғурта хизматлар бозорида мажбурий суғурталашнинг қонуний базасини шакллантириш;
- мажбурий суғурталашнинг услубиётини ривожлантириш;
- суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишнинг самарали механизмларини яратиш;
- хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда миллий суғурта тизимини халқаро суғурта бозорига интеграциясини таъминлаш.

Мажбурий суғуртанинг ҳар қандай турини жорий этишда суғурта захираларини шакллантириш таъминоти асосланиши керак, бунда суғурталанувчилар ҳисобидан шаклланган суғурта фонди фақат суғурта ҳодисаси содир бўлган шахсларга зарарларни қоплаш учун ишлатилиши керакли қатъий белгиланиши, шунингдек бу маблағлар суғурталовчиларнинг молиявий ахволини яхшилашга сарфланиши мумкин эмас. Мажбурий суғурта турлари тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқаётганда, қонун ҳужжатларини чуқур молиявий ва иқтисодий таҳлил қилган ҳолда қабул қилиш, суғурта ҳимоясини тақдим қилишда муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш имкониятларини тўлиқ кўриб чиқиш лозим. Бундан ташқари, мажбурий суғурталаш тўғрисидаги қонунчиликда мажбурий суғурта қилишнинг назарий асосларини киритиш керак. Бунда мажбурий суғурта турининг кўлами ва уни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари қўйидаги таъминотларга асосланиши керак:

- мажбурий суғуртанинг асосий шартлари тўғрисидаги маълумотларнинг шаффофлиги;
- мажбурийлик – суғурталанадиган шахс хоҳиш ва имкониятларидан қатъий назар амалга оширилиши;
- суғурта шартномасига мувофиқ суғурта компаниялари ва бошқа шахслар ўзларига юклатилган мажбуриятларини бажариш зарурияти;
- жабрланувчиларнинг манфаатлари – уларга зарар етказилган тақдирда суғурта компанияси томонидан суғурта тўловларини олиш кафолати.

1-жадвал

Мажбурий суғуртани ривожлатириш муаммолари таснифи [11]

Ташқи муаммолари	Иқтисодий	инфляция
		давлат томонидан қўллаб-қувватланмаслиги
		суғурталанувчи молиявий қобилиятининг пастлиги
	Ҳуқуқий	Суғурта фолиятини қонунчилик даражасида таъминлашнинг сустлиги
		Суғурта бозорининг тўлиқ шаклланиши учун қонунчилик ва услубий базанинг йўқлиги
		Суғурта хизматлари соҳасидаги солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тизимининг йўқлиги
Ички муаммолар	Сиёсий	Умумий сиёсий бекарорлик
	Давлат миқёсида	Суғурта компаниялари фаолиятини ривожлантиришга ёрдам берадиган тартибга солиш воситалари ўрнига назорат воситаларининг устунлиги
		Нazorat функцияларининг Молия вазирлиги доирасида чекланганлиги ва мутахассисларнинг етишмаслиги
		Суғурта тизимини самарасиз марказлашган ҳолда бошқариш
		Суғурталанувчи ва суғурталанган шахсларнинг манфаатлари назорат органлари учун устунлигини таъминлаши
		Миллий суғурта бозори ва суғурта компанияларини хорижий компаниялари фаолиятдан ҳимоя қилиш
	Суғурта компанияси миқёсида	Суғурта резервларини шакллантириш ва жойлаштириш
		Суғурта компаниялари томонидан фирибгарлик ҳаракатлари
		Суғурта бозоридаги монополия
		Мижозлар базасини кенгайтириш борасидаги имкониятларнинг чекланганлиги
	Суғурталанувчи миқёсида	Суғурта бозорининг информацион ёпиклиги ва қонунчиликдаги борасида суғурталанувчиларда маълумотларнинг йўқлиги
		Суғурта компанияларига бўлган ишончсизлик
		Суғурталанувчилар томонидан фирибгарлик ҳаракатлари
	Айнан мажбурий суғурта бўйича муаммолар	Мажбурий суғурта бўйича қонунчилик ҳужжатларининг тўлиқ шакллантирилмаганлиги
		Мажбурий суғуртани вазирликлар нуктаи назаридан жорий этилганлиги (қонун ости ҳужжатлар билан)
		Суғурта мукофоти ва суғурта қопламаси ўртасидаги асосланмаган нисбатлар
		Ҳали ҳануз мажбурийлиги белгаланган суғурта турлари бўйича қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинмаганлиги

Шунингдек мажбурий суғуртани қўйидаги мезонлар билан таснифлаш мақсадга мувофиқдир, яъни:

1) суғурта турларига мувофиқ: мажбурий тижорат суғуртаси; мажбурий давлат суғуртаси;

2) суғурта фондини ташкил этишга қараб: ижтимоий суғурта фондлари; суғурта компанияларининг суғурта фондлари;

3) суғурта масулотларининг шаклларига қараб: оммавий; маълум тоифа учун; индивидуал суғурта маҳсулотлари;

4) суғурталанган шахслар тоифасига қараб: давлат хизматида бўлган шахслар учун; вирусология, тиббий, психиатрик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш соҳасидаги тиббий ва бошқа илмий тадқиқотлар билан шуғулланувчи шахслар, шунингдек турли хил қутқарув операцияларини бажарадиган шахслар учун;

5) ўрнатилган суғурта тарифларига мувофиқ: қатъий белгиланган тариф; эгилувча тариф; кўпайтирадиган ва камайтирадиган коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган тариф.

ХУЛОСАЛАР

Миллий суғурта бозорида ҳозирги кунда амалга оширилаётган мажбурий суғуртани таҳлил қилиш ва хусусиятларини ўрган ҳолда қўйидаги камчиликларни аниқлаш имконини берди:

1) суғурта компанияларининг фаолиятидаги ҳудудий номуносиватлик;

2) давлат томонидан назорат қилишнинг деярли йўқлиги ёки сустлиги;

3) бозорда ҳудудий суғурта компанияларнинг йўқлиги.

Мажбурий суғуртани ривожлантириш учун қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– Аҳоли манфаатларига максимал даражада жаваоб берадиган суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

– аҳолининг суғурта компанияларига бўлган ишончи ошишига олиб келадиган максимал даражада ошқорилик сиёсатини олиб бориш;

– мажбурий давлат суғуртаси устидан ҳар томонлама назоратни таъминлаш, бунда назорат ҳам ички ва ташқи бўлиши керак;

– қонунчилик базасини такомиллаштириш (солиқ имтиёзларини бериш, соддалаштириш), суғуртанинг устувор турларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш;

– мажбурий суғурталашнинг ахборот алмашиш каналларини такомиллаштириш, суғурталанувчилар ва жабрланганларнинг ягона базасини яратиш, бу суғурта компаниялари ўртасида маълумот алмашишни тезлаштиради ва фирибгарлик ҳолатларини кузатиш имконини беради;

– мавжуд ва янги ишлаб чиқарилаётган суғурта маҳсулотларини рекалама қилиш ишларини яхшилаш, суғурта дастурларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни кенг тарғиб қилиб бориш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Райхер В.К. Общественно-исторические типы страхования. – М.–Л.: АН СССР, 1947. 5-6 стр.
2. Емельянов А.О. О понятии обязательного страхования // Хозяйство и право. - 1997. - № 12. 37-43 стр.
3. Алексеева, Е.В. Основные тенденции на рынке обязательного страхования / Актуальные проблемы регионального развития: межвузовский сборник научных трудов / под ред. д.э.н., проф. Т.Д. Дегтяревой. Вып. 4. - Оренбург: ИПК ГОУ ОГУ, 2008. 164 – 168 с.
4. Ширшов В Ю Теоретические аспекты сущности обязательного страхования // Приложение к журналу «Экономические науки» 2006 -№1 - 0,65 п л.
5. Шахов В.В. Страхование: Учебник для вузов. –М.:Юнити, 2003. -41 с.
6. Cristian Buzatu. The Influence of Behavioral Factors on Insurance Decision a Romanian Approach. Procedia Economics and Finance 6(2013) 31–40 P.
7. М.В.Огородова, О.И.курылева, Т.Н.Куль. О современных проблемах системы обязательного страхования в РФ. «Вестник Мининского университета» 2016 – № 1. 1 – 7 с.
8. Hamraeva F.Sh. The role of mandatory insurance in the modern insurance system. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04. 2020. Pages 3903-3908.
9. Абдурахмонов И.Х. Теория и практика страхования. Учебник/ – Т.: «Иқтисод молия». 2019 й. 353 – 354 с.
10. Ҳамраева Ф.Ш. Ўзбекистонда мажбурий суғурта турларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: - 2023. – 57 б.;
11. Ҳамраева Ф.Ш. Мажбурий суғуртани ривожлантириш муаммолари. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. № 6, декабрь 2020 йил. 8 бет.